

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирилиги “Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
ривожлантириш агентлиги” Ахолини тадбиркорликка жалб қилиш
жамғармаси хисобидан субсидия ажратиш түғрисида икки томонлама
ШАРТНОМА № Қува Т-1**

«10 » октябрь 2022 й.

Фарғона шаҳар

“Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма бошлиғи деб юритилади) номидан Бошқарма бошлиғи А.А.Абдуллаев бир тарафдан, “OQJAR SIFAT SERVIS” МЧЖ номидан директор Ниёзов Сироғиддин Салайдинович иккинчи тарафдан ўтказилган тендер натижаларига асосан (тендер протоколи илова қилинади) қўйидагилар түғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқасининг 2022 йил 11 майдаги ВМ-252-сонли “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузуридаги маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ахолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари хисобидан субсидиялар ажратиш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги карори ижроси юзасидан ушбу Шартнома тузилди.

1.2. Банд бўлмаган томорка ер эгалари учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузуридаги “Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” Ахолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси (бундан буён матнда жамғарма деб юритилади) маблағлари хисобидан субсидия берилади.

1.3. Мазкур шартнома бўйича Бошқарма тўловни амалга ошириш ва “OQJAR SIFAT SERVIS” МЧЖ Қува туманида мавжуд бўлган 20 нафар томорка ер эгасига махсулотларни етказиб бериш (ўрнатиш), томорка ер эгаси эса харид қилинган воситалардан самарали фойдаланиш мажбуриятини зиммасига олади.

№	Махсулот номи	Үлчов бирлиги	Махсулот миқдори	Куриб берилиши керак бўлган иссиқхоналар сони	1 дона махсулот баҳоси	Жами суммаси
1	Енгил конструкцияли иссиқхона	м ²	100	20	9 000 000	180 000 000
Умумий суммаси						180 000 000

Шартнома бўйича (КҚСиз) умумий суммаси **180 000 000 (Бир юз саксон миллион)** сўмни ташкил этади (сўзлар билан ёзилади).

II. Субсидия миқдори, тўлов шартлари, қўрсатиладиган хизматлар сифати ва бажарилиш муддатлари

2.1. “OQJAR SIFAT SERVIS” МЧЖ субсидия олиш учун Бошқармага томорка ер эгалари билан тузилган шартномани тақдим этади. Шартномага асосан Бошқарма томорка ер эгалари учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробаригача “OQJAR SIFAT SERVIS” МЧЖ га субсидия тўлаб беради.

2.2. ВМ 252-сонли карорининг 3-Боб 11-кисмига асосан “Онлайн-Маҳалла” электрон платформа марказ раҳбари хулса берганидан сўнг, Бошқарма бошлиғи бўйруғи қабул қилинади.

2.3. ВМ 252-сонли карорининг 3-Боб 12-кисмига асосан “Хабарнома юборилган кундан бошлаб Агентликнинг ҳудудий бошқармаси етказиб берувчи ташкилот ва томорка ер

эгаси ўртасида ўн иши кунида уч томонлама шартнома тузии чораларини кўради” шартнома тузилади.

2.4. Шартнома имзолангандан кейин ВМ 252-сонли қарорнинг 1-боб 14-бандига асосан 5 кун мобайнида Бошкарма “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖга шартноманинг умумий суммасининг 30% микдорини тўловни ўтказиб беради. Шартнома умумий суммасининг колган 70% тўловини “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ маҳсулотни Қува туманида мавжуд бўлган 20 нафар томорка ер эгасига тўлиқ етказиб берилгандан сўнг, тузилган далолатномага асосан Бошкарма томонидан тўлаб берилади.

2.5. Қува туманида мавжуд бўлган 20 нафар фуқаролар томонидан бажарилган иш ёки хизмат ва етказиб берилган маҳсулотни қабул килиб олганлиги тўғрисидаги далолатномага ҳоким ёрдамчиси ҳам имзо чекади ва фуқаро томонидан мақсадли фойдаланиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради ва шахсан жавоб беради.

III. Шартнома тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Бошкарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

тақдим этилган икки томонлама шартномани ўз вактида имзолаш ва шартномада назарда тутилган субсидияни ўз вактида тўлаб бериш;

Қува туманида мавжуд бўлган 20 нафар томорка ер эгаларига шартномада назарда тутилган маҳсулотлар етказиб берилмаган тақдирда пул маблағларини қайтариб олиш бўйича “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖга талабнома бериш;

“**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ ва томорка ер эгаларидан шартномага кўра харид қилинган маҳсулот етказиб берилганлиги бўйича ҳоким ёрдамчиси далолатномасини олиш;

шартнома бўйича енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатишга ажратилган субсидияни “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ га тўлаб бериш.

3.2. “OQJAR SIFAT SERVIS” МЧЖ нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

Томорка ер эгаларига шартномада кўрсатилган хизматларни ўз вактида кўрсатиш; Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Бошкармагага тақдим этиш;

Харид қилинган маҳсулот(лар) яроқсиз бўлса ёки шартномада белгиланган маҳсулот(лар) томорка ер эгаларига етказиб берилмаган тақдирда субсидия маблағларини Бошкармага зудлик билан қайтариш;

Томорка ер эгалари томонидан томорка ер участкасида экин экилганлигини мониторингини олиб бориш;

шартнома шартлари бузилганлиги хақида Бошкармани зудлик билан хабардор килиш;

3.3. Томорка ер эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

Шартномага кўра харид қилинган (ўрнатилган) маҳсулотлардан самарали фойдаланиш; “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ дан шартномага кўра харид қилинган маҳсулотларни ўз вактида етказиб берилишини талаб килиш;

“**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ дан шартномага кўра харид қилинган маҳсулотларнинг зарур сифат параметрлари таъминланган бўлишини талаб килиш; шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Агар “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ томорка ер эгаларига 15 кун муддатда маҳсулотларни етказиб (ўрнатиб) берилмаган тақдирда олинган субсидияни Бошкармага қайтариши шарт.

Мазкур шартнома ижроси давомида Бошкарма, “**OQJAR SIFAT SERVIS**” МЧЖ ва томорка ер эгаларига зарар етказилса, конунчиликда белгиланган тартибда бир тараф бошка тарафа зарарни тўлаб беради.

4.2. Тарафлар мажбуриятларини ўз вактида ва сифатли бажармаганликлари учун ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида Бошкармага пеня тўлайди.

4.3. Тарафлар шартнома талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Конун талабларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

V. Форс-мажор

5.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) окибати хисобланса, жавобгарликдан озод килинади.

5.2. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса тарафлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳакли.

VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

6.2. Тарафлар низоларни ҳал этишда ўзаро келишувга эришилмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда суд оркали ҳал этилади.

VII. Қўшимча шартлар

7.1. Ушбу Шартнома 2 та (икки) нусхада тузилиб, улар бир хил юридик кучга эга.

7.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча тарафларнинг келишувига кўра ёзма равишда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда киритилиши мумкин.

7.3. Шартноманинг амал қилиш муддати “ ” 2022 йил.

Тарафларнинг реквизитлари

“Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. А.Навоий кўча 17-үй
X/p : 305421860304014041907140097
"ASIA ALLIANCE" банк Фарғона вилоят филиали
МФО: 01173 ИНН: 207 339 183.
Телефон: 73-244-22-71

Бошқарма ўочлиги А.Абдуллаев

М.Э.



*Изоҳ: Тарафларнинг келишувига мувофиқ шартнома шартларига ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

"OQJAR SIFAT SERVIS" МЧЖ

Манзил: Данғара тумани Катта турк
X/p: 2020 8000 9002 1627 3001
"Универсал БАНК" Кўкон филиали,
МФО: 00973
ИНН 302 584 292

МЧЖ раҳбари

 С.Ниёзов

